


ҚОРАСОЧ МОМОНИНГ ЎГИТЛАРИ



АЛАМЛИ
ЯХШИЛИК

БОЗОРДАГИ БОЛАЛАР



ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ



— Қизимнинг ушбу нуфузли мукофотга лойиқ топилгани юртимизда навқирон авлоднинг истеъдодини эрта аниқлаш, уларни тарбиялаш, қобилияти ва салоҳиятини тўғри йўналтириб бориш борасида кўрсатилаётган изчил сиёсатнинг амалий натижасидир, — дейди 2015 йилда **Зулфия** номидаги **Давлат мукофоти**га сазовор бўлган **Тошкент** шахрининг **Юнусобод** туманидаги **260-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синфи**да таҳсил олаётган **Чарос Маратованинг** онаси **Малика опа** фахру ифтихор билан. — Мамлакатимизда мусиқа ва санъат таълимини янги, янада юқори поғонага кўтариш бўйича олиб борилаётган амалий ишлар ҳар бир ота-онанинг қалбида юксак орзуларнинг куртак ёзишига сабабчи бўлмоқда.

Кувончлисиз, 2014 йил ёш мусиқачи учун унутилмас йил бўлди. У Франция пойтахти **Париж** шаҳрида бўлиб ўтган ёш мусиқачилар халқаро танловида қатнашиб, учинчи ўринга лойиқ топилди. Чарос ўз она тили билан бирга инглиз, корейс, рус тилларини ҳам яхши билади. Санъатга ихлоси баланд қиз келажакда **Ўзбекистон** давлат консерваториясининг талабаси бўлишни кўнглига туккан.

Аъло **АБДУЛЛАЕВ** (ЎЗА)
сурат-лавҳаси.

ҲИКМАТ

Зийнат — инсоннинг ташқи қиёфасига, фикр — унинг ақл-иродасига мутаносибдир.

Муъин
ЖУВАЙНИЙ

СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ЭЪТИРОМ

Байрам шукуҳи

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан мамлакатимизда кенг нишонланган байрам тантаналарида аёлнинг оғирини энгил қилиш, оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, ижтимоий фаоллигини ошириш борасида кўрсатилаётган гамхўрликлар туфайли бугунги кунда хотин-қизлар бахту саодат, эъзозу ардоқни ҳис этиб яшаётгани фахр билан таъкидланди.

Турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган бир гуруҳ хотин-қизлар 6 март кунини пойтахтимиздаги Муस्ताқиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйишди. Академик В.Воҳидов номидagi Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиохирургия мажмуаси, Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган Республика олимпия захиралари спорт мактаби, Тошкент шаҳрининг Олмазор туманидаги "Хончорбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинидаги аёллар маслаҳат маркази фаолияти билан танишиб, мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини муҳофазалаш, қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқий, тиббий ва иқтисодий соҳаларда саводхонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларга гувоҳ бўлишди.

Шу кунини "Туркистон" саройида Халқаро Хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда жамиятимизнинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган фидоий аёллар, сенаторлар, депутатлар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этдилар.

Президентимиз Ислам Каримов-



нинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўлаган байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова ва бошқалар истиқлол йилларида мамлакатимизни модернизациялаш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларда хотин-қизлар иш-

тирокини кенгайтириш, уларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Истиқлол йилларида юртимиз аёллари чин маънода эъзозланаётгани, уларнинг меҳнат қилиши, ўқиб, изланиши, иқтидорини юзага чиқариши, фаровон ҳаёт кечирishi учун кўрсатилаётган гамхўрликлар туфайли жамиятимизда хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги ошиб бораётгани тадбирда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим, соғлиқни сақлаш, миллий хунармандчилик соҳаларида самарали меҳнат қилаётган 13 нафар аёлнинг Ўзбекистон Қаҳрамони олий унвонига мушарраф бўлгани мамлакатимизда хотин-қизларнинг меҳнатини қадрлаш, аёлларга ҳурмат ва эътиром кўрсатишнинг юксак намунаси дидир.

Президентимизнинг 2015 йил 3 мартдаги қарори билан эълон қилинган Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2015 йилги соҳибаларига мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокидаги концерт намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республи-

каси Олий Мажлиси Сенати Раиси Н.Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Шунингдек, 7 март кунини Тошкент шаҳридаги Жанубий Кореянинг Инха университетига Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ҳамда иқтидорли ёшлар учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ЁИХ, Халқ таълими, Олий ва ўрта-махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Маънавият тарғибот маркази ва бошқа мутассадди ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда ёшларнинг билим олиши, иқтидорини юзага чиқариши борасида кўрсатилаётган гамхўрликлар бугунги кунда юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг фан, таълим, санъат, маданият ва адабиёт йўналишларида эришган ютуқларига тўхталиб ўтилди. Ташкилотчилар томонидан уларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
Қамола АДАШБОВА,
"Оила ва жамият" мухбирлари.

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ:

Базарбаева Шаҳзада Аллияр қизи — Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси

Абдуллаева Гўзалой Аҳмаджон қизи — Андижон давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси

Исматова Ситорабону Фарҳод қизи — Бухоро шаҳридаги 39-умумий ўрта таълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Шавкатова Лазиза Шерзод қизи — Жиззах давлат педагогика институти қошидаги "Сайилжой" академик лицейнинг 2-босқич ўқувчиси

Раҳмонова Гўзал Баҳриддин қизи — Чирокчи спорт ва педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Жуманова Ирода Шоқиржон қизи — Учқудуқ тумани кончилиқ касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Ходжаева Қумушхон Сайдулло қизи — Наманган олимпия захиралари коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Иргашева Рўхсона Зоқиржонна — Самарқанд педагогика коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Юсуфова Мадина Олимбек қизи — Янгиер академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси

Сайфиддинова Манзура Икромиддин қизи — Термиз давлат университети қошидаги 4-академик лицейининг 3-босқич ўқувчиси

Абдуллаева Умида Алишер қизи — Чирчиқ олимпия захиралари коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Сайдхўжаева Сарвинозхон Собирхўжа қизи — Фаргона олимпия захиралари коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Раҳимова Ширин Баҳрам қизи — Гурлан туманидаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси

Маратова Чаросхон Улугбек қизи — Юнусобод туманидаги 260-умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчиси.

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги "Янги давр" маҳалласига кираверишда бир қатор қилиб экилган арчалар ва бошқа мевадали, манзарали кўчатлар, турфа хил гуллар беихтиёр ҳар қандай кишининг эътиборини тортиши шубҳасиз. Кўчалар ҳам файзли, озода. Маҳалла худудида яшаётган аҳолининг ҳамжихатлиги, иннок, тотувлиги кўпчиликини қувонтиради. 1992 йилда ташкил топган, умумий майдони ўн гектарга яқин бу гўша бугунги кунда пойтахтимиздаги энг намунали маҳаллалардан бирига айланган десак янглишмаймиз.

— Муस्ताқиллик шарофати билан ҳаётимизда янги давр бошланди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Баҳром Худоёров. — Энг асосийси, маҳаллаларда ободончиликка қатта эътибор қаратилди. Ҳалол меҳнат қилган, эл-юрт қорига камарбаста бўлиб яшаётган ҳар бир инсоннинг хонадонини ҳаммиша тинч-тотув, тўкин бўлишини асрларга татиғулик истиқлол даври исботлади. Ўз номига муносиб бўлган бизнинг маҳалламиз ҳам кундан-кунга чирой очиб бормоқда. Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан маҳалламизда жойлашган "Оталар чойхонаси"да байрам тадбири уюштирилди. Бундан нафақат нуруний отахону онахонлар, балки маҳалламизнинг барча фуқаролари мамнун бўлишди. Ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш

"ЯНГИ ДАВР"ДА ЯНГИЛИКЛАР КўП

тарзини тарғиб этиш мақсадида ўтказилаётган маҳаллалараро мусобақаларда ҳам фаол қатнашяпти. Миллий кураш, шахмат-шашка, футбол ва бошқа спорт турлари бўйича ўтказилаётган беллашувларда маҳалладошларимиз совринли ўринларни эгаллашяпти.

"Янги давр" маҳалласида яшаётганлар ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, ижтимоий ҳимояга муҳтож, қаровчисиз қолган фуқаролар сони унчалик кўп эмаслиги эътиборимизни тортди. Улар ўзларига берилаётган кўмакдан мамнун эканликларини билдиришди. "Ҳамма бир-бирига меҳрибон, қувончли ва ташвишли кунларида ҳам беминнат кўмак беришди. Қолаверса, саховатпеша кишилар ҳам кўп, ҳатто кўникўшларининг тўйларини савоб йўлида ўтказиб бераётган, таъмиртаб уй-жойларда яшаётганларга

ёрдам кўрсатаётган фуқаролар ҳам бор", дейди Баҳром ака.

— Маҳалламизда ташкил этилган "Ораста қизлар" тўрагага шу худудда яшаётган коллеж ва лицей, мак-



таб ўқувчилари жалб этилган, — дейди диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Лола Алиева. — Ҳафтанинг ҳар жума кунини қизларимиз йиғилиб, турли давра сўхбатлари ўтказишади. Келин-қизларимизнинг рўзғор тутумларини, кўрпа-кўрпачалар ва бошқа тикувчилик сирларини ўрганишига онахонларимиз бosh-қosh бўлишмоқда. Маҳалламизда, бир бо-

Ватан — маҳалладан бошланади

лага етти кўшни ота-она, деган ажойиб ақидага қатъий амал қилишади. Вояга етмаган болалар билан алоҳида шуғулланамиз. Уларнинг бекор қолиб кетишларига йўл қўймаймиз. Ўқушга боришяптими, уйларига вақтида қайтишяптими, буш вақтларида нималар билан банд бўлишмоқда, бу каби жиддий масалалар доимо эътиборимизда.

"Янги давр"лик тадбиркорлар коллежни тамомлаган йигит-қизларни иш билан таъминлашга ҳам яқиндан кўмаклашмоқдалар. Шу билан бирга уларга хунар ҳам ўргатишмоқда. Айниқса, Ўткир Аҳмедов, Сарвар Тожиёв, Бунёд Мансуров каби ишбилармонлар бу борада бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Маҳалла маслаҳатчиси, ноziри, кўпни кўрган, ҳаёт тажрибасига эга бўлган отахон ва онахонлар, ибратли ва намунали оилалар вакиллари ўзлари яшаб турган гўшани янада обод қилиш, ёшларни юксак маънавиятли ва билимли этиб тарбиялаш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш, энг муҳими, "Янги давр"ни намунали ва файзли гўшага айлантириш йўлида маҳалла раисига қўшқанот бўлишмоқда.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

КОРАСОЧ МОМОНИНГ ЎГИТЛАРИ

Бугун юртимизда рўй бераётган тарихий ўзгариш ва янгиланишлар ўрта ва ёш авлоддан кўра кўпроқ кексаларни ҳайратга солади. 103 ёшни қаршилаган Корасоч момо ҳам юртимиздаги тинчлик-хотиржамлик, фаровон ҳаёт учун шукроналар айтади. Ўғил-қизлари, неварачевара, эвараларига бундай бахтли кунларга етишмоқ осон бўлмагани ҳақида ибратли ҳикоялар сўйлайди.

— Пискент туманидаги Дўнговул деган кишлоқда туғилиб, катта бўлганман, — дейди **Корасоч момо**. — Оилада кўпчилик эдик. Яшаш учун курашнинг жуда кўп йўллари кўрдим. Очарчилик, касалликлар, уруш қийинчиликлари... Холдор акамга Иккинчи жаҳон урушидан қайтиб келиш насиб этмади. Қолган жигаргўшаларим ҳам бирин-кетин хар хил тақдирлар боис оламдан ўтиб кетишди. Бугун икки қиз қолдик. У кунларни эслаш мен учун жуда оғир. Тинимсиз меҳнат қилсак-да, қорнимиз нонга тўймасди, эгнимизга яхшироқ кийим киймасдик.

Бугунги дориломон кунларни, тўкин-сочинликни қаранг. Ҳаммаёқ саришта, хар куни бир янгилик. Маҳалламизда янги бир дўкон ишга тушса ҳам қувонганимдан кўзларим ёшга тўлади. Болаларим пойтахтга олиб боришса, бу кўркамлик, ободликни кўриб кўнглим кўтарилди. Ўзлимизга эга бўлишдек улуг неъмат — озодликка етиб келганимиз учун шукроналар айтаман. Буни қарангки, 70 ёшдан ошган қизим Холчанинг фарзанди Саодат қиз узатди. Ўтган йили ёзда чеварам Холида қизлик бўлди. Шуларнинг ширин ташвишлари билан андармон бўлиб, яшаб юрибман-да.

Қорасоч аянинг хотираси тиниқ. Сўзлари, мулоҳазалари самимий. 7 фарзанд, 29 неварачевара ва бир эвара билан бахтиёр ҳаёт кечирмоқда. “Аяжон, айтинг-чи, узоқ умр кўришнинг сирини нимада экан?” дея сўрайман момодан. Ва энг қизиғи, айтилган бир оғизгина лўнда жавобни эшитиб ҳайратга тушаман.

— Меҳнат, сабр-тоқат, оилавий хотиржамлик, аҳил-иноқлик инсон умрини узайтирар экан, — дейди **Корасоч момо кулимсираб**. — Ишонмасми, ҳеч қачон асабийлашмаганман. Ҳаммага доимо мулойим, юмшоқ гапираман. Балки ишонмас-сиз, ҳатто чолим билан сира гап талашмаганман. Фан тили билан айтганда, қизим, асабларимни эҳтиёт-

лаганман, асраганман-да. Ҳаётдаги майда-чуйда кўнглисизликлардан муаммо яратиш керак эмас. Эрим билан ҳамфикр бўлдик. У кишига итоат этдим, хурматини жойига қўйдим. Шундан маҳалла-қўйда эъзоз топдим, кадрландим. Оила дегани шу-да, болам...

Аянинг ўғли Рустам ака ва қизи Дилбар опа ҳам қизиётган грунгимизга қўшилади.

— Етти бола жанжал-тўполонсиз, тинч-осойишта хонадонда вояга етдик, — дейди Рустам ака. — Болалгимизда қанча шўхлик қилсак-да, онам бизни ҳеч қачон уришиб-қарғаман. Ҳамма гапни мулойимлик билан, секин-аста тушунтирарди. Рўзгордаги етишмовчиликларга сабр-қаноатни ҳам онамиздан ўрганганим. Оиламизда хамиша сокинлик ҳукмрон эди. Назаримда, хар биримизнинг ҳаётда ўз ўрнимизни топишимизга ҳам айнан мана шу — хонадонимиздаги соғлом муҳит сабаб бўлган.



Қорасоч момо билан суҳбатлашарканми, аямизнинг дунёқарашини кенг, фикр-мулоҳазалари босиқ эканидан, хар бир янгиликни зийраклик билан кузатишидан севирик. Фарзандларининг келажагини ўйлаб, турмуш ўртоғига суянч бўлиш учун ҳеч бир ишдан бўйин товламаган онахон: “Бизнинг давримизда ҳам қизларни ўқитиш, хунари қилишга бугунгидай гамхўрлик кўрсатилганида эди, мен албатта, шифокор бўлардим”, дейди маънос жилмайиб. Сўнг кўзларида яна аввалги чакноқлик аксланади. Фарзандлари, набиралари улар орзу қилган тинч-осойишта ва тўкин-сочин кунларда яшаётганига шукроналар айтади.

Зеро, юртимизнинг бугунги фаровон кунларига етиб келгунча ўтган заҳматлар юкини Корасоч момо каби нуроний онахонларимиз, кўпни кўрган отахонларимиз яхши билишади. Уларнинг нафақат ҳаёт йўллари, ҳатто орзу-армонлари ҳам бизлар учун чинакам ибрат бўлишга арзийди.

Камола АДАШБОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири.

Оққўрғон туманидаги Хўжа маҳалласида истиқомат қилувчи Бурхон ота ва Санобархон ая хонадонидagi ҳамжиҳатлик ва аҳил-иноқликка кўпчиликнинг ҳаваси келади. “Бу оиланинг ёш келин-куёвларга ибрат бўладиган жиҳатлари жуда кўп”, дея таъриф беришади қўни-қўшнилари.

— Санобархон аянги билан турмуш курганимизга бу йил қирк беш йил тўлди, — дейди **Бурхон ота Курбон**. — Ҳаётдаги танлаган йўлниғиз нечоғли тўғри эканини фарзандлар қамолга қараб биларкансиз. Худога шукр, болаларимиз эл қорига ярайдиган инсонлар бўлиб

йил пахтадан унумли ҳосил олган “Бурхон” фермер хўжалиғи давлатимиз томонидан “Малибу” автомашина билан тақдирланди. Бу Бурхон ота ва Санобархон аянинг тинимсиз меҳнатларига берилган мукофот эди.

— Ерни боқсанг, ер сени боқади, деб бежизга айтишмаган экан. Фермер хўжалиғимизнинг ер майдони бугунги кунга келиб, 140 гектарга етди. Даромадларимизга уйлар қурдик, тўйлар қилдик. Ўғилларимиз Иброҳим, Саидрахим, Дилшоджон, Бунёд, Ойбекжонлар ҳам келинларимиз билан тинч-тотув яшаб келишмоқда. Келинларимиз Холисон, Ферузахон, Гулсанам, Дилбар, Насибохон опа-сингилдек бўлиб кетишган. Қизимиз Моҳигул Дилмуроджон билан тотув оила қуришди. Отам раҳ-

НУРОНИЙЛИК САОДАТИ

етишди. Оғирнинг остидан, енгилнинг устидан ўтсангизгина оиладаги иттифоқлик, меҳр-оқибат юзага чиқар экан. Аянги билан Мирзачўл даштларида танишганми. Улар асли наманганлик бўлиб, чўлқувар қизлар ичида жуда фаол эди. Ўша пайтларда мен механизаторман. “Бу қиз энтимолог-агроном экан, хашаротларни ўрганааркан”, дейишса, шундай мутахассислиги билан бу ерларда нима қилиб юрибди, дегандек ҳаммамиз бу қизга ажабланиб қарардик. Тақдир экан, кўнгилик-кўнгилик тўғри келиб, ота-оналаримиз розилиги билан чўлда тўй қилганимиз.

Фарзанд оиланинг чироғи деганлари рост экан. Беш ўғил, бир қизни тарбиялаб, вояга етказдик. Уларни ҳалолликка, меҳнатсеварликка ўргатдик. Ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ болалар келишиб, ҳовлига алоҳида ишлов беришарди. Кузда эса яхшигина ҳосил ҳам олишарди. Уларнинг тупроққа меҳрини кўриб, 1995 йили ҳозирги Ҳамид Олимжон номли фермерлар уюшмасидан 2 гектар ер олиб, фермерлик фаолиятимизни бошлаб юбордик.

Ҳаётда қўша қариб, бир-бирини тушуниб яшашнинг ўзи ҳам бир ҳикमत аслида. Оилада ҳам, жамиятда ҳам хамиша фаол Бурхон ота ва Санобархон ая фермер хўжалигининг ер майдонларини мелиоратив ҳолатини ошириб, пахта ва галладан юкори ҳосил олиш баробарида турмушлари фаровон бўлиб бораётганини шукроналик билан эътироф этишади. Меҳнатлари ортдан қўша-қўша тракторлар, автомашиналар олишди. Ўтган



матли ўзингдан кўпайгин, камлик кўрмагин дея дуо қилардилар. Қарангки, набираларимиз 22 нафарга етибди. Хар тонгда уларнинг шовкин-суронларини соғиниб ўйғонаман. Келажаклари ҳақидаги ширин “ташвишлар” менга янада куч беради. Бугун уларнинг билим олиши, иқтидорини юзага чиқариши учун давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитларнинг мингдан бири ҳам бизнинг болалигимизда бўлмаганини қайта-қайта таъкидлайман. Мени қувонтиргани, набирам Саодат Мурод харбий хизматда бўлиб, йигитлик бурчини ўтаб қайтди. Шаҳиди, қатъияти бошқача. Ҳозир олий ўқув юртига киришга тайёрланмоқда.

Санобархон қирк йилдан бери ипак курти боқиб келади. Дехқончилик қилсак, қанотимга қиради, кўмак беради. У кўп йиллардан бери ҳаж зиёратига боришни орзу қиларди. 2010 йили ана шу ёруғ нияти ижобат бўлди. Мен эса ўтган йили муборак сафарга бориб келдим. Бизга кўрсатилётган гамхўрлик ва яратилаётган шароитлар кучимизга куч қўшади.

Нигора УРОЛОВА,
“Оила ва жамият” муҳбири,
Тошкент вилояти.

МУҲАББАТ ВА САДОҚАТ ТИМСОЛИ

Ижод аҳди дунёвий неъматлар ичида энг муъжаз, энг нафис ва энг табаррук зот — аёлни баҳорга, гулга қийслади. Мусаввирлар эса фасллар келинчаги саналмиш баҳорни, гулу чечаклар оғушида аёл билан тасвирлайдилар. Хўш, айтинг-чи, бу ёруғ оламда унинг чексиз сабр-бардоши, муҳаббат ва садоқатига бирор қийс топиладими? Дунёда нафақат латофатно хўсни-жамоли, балки ўзи-

нинг ақлу заковати, матонати, баҳри уммонлардан ҳам улкан меҳру муҳаббат билан тарих зарварақларида ўчмас из қолдирган мунис момоларимиз бисёр. Улар орасида Ўзбекистон халқ шоири, ҳассос қалб соҳибаси Зулфиянинг ҳам ардоқли номи борлиги кўнгилни осмон қадар юксалтиради.

Дарҳақиқат, Зулфия опани нафақат юртимизда, бал-

ки хорижий мамлакатларда ҳам муҳаббат ва садоқат куйчиси сифатида яхши билишади. Унинг юрак тубидан сизиб чиққан самимий сатрлари ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, хар бир инсон қалбида одамлиликнинг энг улуг туйғуларини уйғотади.

Халқимизнинг оташнафас фарзанди Зулфия элу юртининг бахтини ҳам, дардини ҳам чин юракдан туйиб, ғаму шодликларига ўзини баб-ба-

равар шерик деб билди. Ватан меҳри ва дарди билан ёниб яшаш, ёр ишки, айрилик ва ҳижрон азоби, тақдир зарбаси битилган қисматида шоира асло нолимади, бор гусса, аламини қоғозга тўкди, шеърларидан юпанч топти.

Куни кеча Президентимиз қарори билан яна бир гуруҳ иқтидорли қизларимиз Зулфияномини номидаги нуфузли Давлат мукофоти билан тақдирланганини

эшитиб, кўриб, бошим осмонга етди. Бундан бир неча кунгина аввал эса шоирамизнинг юз йиллиги тўйини қандай зўр қайфият билан нишонлаган эдик. Бу замин байрамлар ўлкасига айланиб бораётгани хар биримизни қувонтирди.

Мавлуда ХУДОЙКУЛОВА,
Шаҳрисабз
туманидаги 2-сонли
лицей ўқитувчиси.

Эҳтиром

Матлуба ТЕМУР қизи

ТОМОШАДАН КЕЙИНГИ УЙЛАР

Санъат аҳли орасида сахнанинг қадрига етган, унга ҳамisha садоқат кўрсатиб келган ва шу боис ҳам халқ эътирофию олқишига сазовор бўлганлар жуда кўп. Бу санъаткорлар истеъодли бўлибгина қолмай, сахна маданиятига қаттиқ риоя этган, миллий қадриятларимизга ҳурмат назари билан қараб келаётган ижодкорлардир.

Кейинги вақтда миллий мафкура, миллий ғоя, қадрият, урф-одат, анъана, маърифат ва маънавият каби тушунчалар кундалик турмушимизнинг бош мезонига айланди. Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб халқимизнинг руҳий-маънавий дунёсини бойитиш, миллий анъана ва урф-одатларни қадрлаш, ёшларимизни уларга садоқат руҳида тарбиялаш муҳим вазифалар қаторида белгиланди. Президентимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида маънавиятга шундай таъриф берадилар: «...маънавият инсонни руҳан поклавши, қалбдан улғайтишга чорлайдиган, адамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқидёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир».

Ўз-ўзидан кўринадики, инсоннинг руҳий-маънавий оламини бойитишда, виждонини улғайтиришда, иймон-эътиқодга чорлашда, инсон қалбида олижаноблик туйғуларини шакллантиришда адабиёт ва санъат, тарих, фалсафа каби фанларнинг хизмати катта. Булар узвий боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдирди, мукаммаллаштирди. Адабиёт — сўз санъати. У инсон қалбига сўз орқали кириб боради. Драматик асарда ҳам сўз бор. У хатти-ҳаракат билан уйғунлашиб, яхлит бир сахна асарини пайдо қилади. Шоир қаламидан битилган сатрлар куйга, оҳангга кўчиб кўшиқ яралади. Қизиқчи ё муқаллид ҳам асосан сўз билан сахнага чиқади. Хуллас, гап сахна маданияти, сахна маънавияти ҳақида борар экан, бу борадаги айрим мулоҳазаларимизни билдиришга жазм этдик.

Айрим ўзини санъаткорман деганлар сахнага шунчаки бир эрмак учун чиқишади. Либосларини кўз-кўзлаб, бачкана қилиқлар, тумтароқ ва мўжмал гапларни айтишиб, масхарабозлик, майнавозчиликлар қилишади. Сахнадаги бу маданиятсизлик омма маънавиятига, руҳиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Замон қанчалар шиддат билан ўзгармасин, сахна муқаддаслигига қолиши, миллат маънавиятининг юксалишига хизмат қилмоғи шарт.

Маълумки, аскиячилик ва қизиқчилик санъати хусусан Фарғона, Марғилон, Кўқон шаҳарларида ривожланган. Кўқонлик машҳур аскиячилар, Ғойиб ота Тошматов, Пўлат қизиқ, Мухиддин Дарвешов номини айнан аския санъати машҳур қилган. Марғилонлик Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқ, Зайнобиддин ва Мадамжон Юсупов ҳам аскиячилик санъатининг даргалари бўлишган. Бугунги кунда ҳам бу санъат авлоддан авлодга ўтиб келаётгани, "Аскиячи ва қизиқчиларнинг республика кўрик-танлови" да ёш қизиқчи ва аскиячиларнинг кашф этилаётгани қувон

нарли ҳол, албатта. Ҳар қандай санъат тури тақдиротида асосий мезон маданият бўлиши шарт. Бироқ бугунги қизиқчилик борасида айрим аччиқроқ гапларимизни айтиб ўтмасак бўлмас.

Очигини айтиш керак, кейинги пайтда бу санъат турини айрим қизиқчиларимиз



найрангбозликка, майнавозчиликка ҳам айлантириб юборишаётгани кишининг гашини келтиради. 1990 йилларда Ботир Муҳаммадхўжаев, Ҳожибой Тожибоев, Болтабой Тошматов каби бир гуруҳ қизиқчилар шуҳрат топди. Улар ўзларининг юморга бой, халқчил, "коса тагида нимқоса" қабилдаги дастурлари, хангомаю латифалари билан халққа манзур бўлдилар. Дастурларда мазмун етакчилик қилиб, ҳаётдаги муаммо ва камчиликлар кулгига олинар, маълум бир фикр, ғожа асосланарди. Йиллар ўтгач эса томошабинларга катта сахнадан туриб тақдим этилаётган дастурларнинг нақадар саёзлашиб, бачканалашиб бораётганлигига, анданга латифалар ўрнини курук, мантқисиз, кўпол, яланғоч гап-сўзлар эгаллаётганлигига ва булар тобора урчиб, болалаб кетаётганлигига шохидимиз. Бир мисол, ҳар йили "Мирзо" қизиқчилар театри ўз концерт томошасини халққа тақдим этади. Бу йил ҳам уларнинг навбатдаги концерти бўлиб ўтди. Сахна декора-

циялари салобатли. Мирза Холмедов санатория бошлиғи. Санаторияга дам олиш учун бирин-кетин қариялар кириб келишади. Сахнада аёл киши кийимида Валижон Шамшиев (Валяхон) пайдо бўлади. Иккаласи ўртасида диалог бошланади. Валяхон: "Ҳамма эркаклар кўчада аёл-

ларга қарайди, светофорга қара, бизадаги ранг уларда ҳам бор", дейди-да, қилиқлар қилади. Яна: "Ҳажакларим сизга халақит бермаяптими, кеча икита эркакка халақит берди", дея ҳиринглайди. Мирза Холмедов Валяхонга қараб: "Эрингиз нима иш қилади?" деб сўрайди. Валяхон: "Эрим табиб, синган-чиққанларни даволайди" дейди. Шунда Холмедов: "Ўзингиз нима иш қиласиз?" деб тагин савол беради. Валяхон "Ўзим акушерман", деб қилпанглайди. Шунда Мирза Холмедовнинг сўзларига эътибор беринг (киши номусдан ўлади). "Эрингиз чиққанларни солса, сиз кирганларни чиқарар экансиз-да", дейди. Бундай беандиша, беҳаё, уят гапларни сахнадан туриб айтишни нима деб баҳолаш керак? Тагин залда ўтирган томошабинларга юзланиб "Кимда узук бор, бериб туринглар", дея мурожаат қилади. Бир аёл кўлидаги узукни ечиб берса, унга қарата: "Нимани қойил қилгансизки, сизга бундай узук беришган", дейди. Бу томошабинни ма-

Саҳна — ойна



зах қилишми? У тагин сахнада ўтирган эркакларга мурожаат қилади. Аёлларни санаторияга олиб туриш керак деб ўзбек руҳиятига, ахлоқимизга ёт бўлган беандиша латифа айтади. Эркакларга қараб: "Аёллар эрига сенга тегиб..." у ёғига нима дейди, топинглар-чи" дейди. Бир томошабин эркакни ўрнидан турғизиб "сиз айтинг" дейди. Эркак: "Аёллар эрларига "сенга тегиб нима кўрдим" дейишади-да" деб жавоб қилади. Шунда Мирза Холмедов эркакка қараб "бугун бориб..." дея алоҳида урғу бериб ҳаёсиз сўз айтади. Залда чунонам кулги кўтарилди...

Миллий ўзлики, миллий тарбия, миллий мафкура ва маънавиятимизни турли таҳдидлардан ҳимоялашимиз зарур бўлиб турган бир пайтда қизиқчиларимиз бундай беҳаё ва тутуруқсиз гап-сўзларни сахнадан минглаб томошабинларга тарғиб ва ташвиқ қилиб туришса, буни қандай изоҳлаш мумкин?! Қизиқчилик сахнада майнавозчилик қилиш деганими? Сахна маданияти, санъаткор одоби, томошабинларга ҳурмат сахнанинг олтин қоидалари эмасми? Бундай бачканалик ва бемаънилик фарзандларимизга қандай таъсир кўрсатади? Яна баъзан ёшлар айниб кетди, беҳаё бўлиб кетди деб улардан хафа ҳам бўлаемиз.

Марҳамат, қизиқчилик санъати орқали ёшларни маънавий етукиликка, баркамолликка, одоб-ахлоққа ундашга ҳаракат қилинг. Сахнага чиқишга имконият берилган экан, нега уни суистеъмол қилиб, маза-матрасиз ва бачкана хатти-ҳаракатларга тўлдириш керак? Сахна ва санъаткор маълум маънода тарбиячи ҳамдир. Халқнинг эътиборида турган қизиқчилар шундай ибрат кўрсатиб туришса, уларнинг ортидан келаётган ёш қизиқчилардан нимани кутиш мумкин? Томошабинларни беўхшов гап-сўзлар билан мазах қилиш, кўпчилик орасида изза қилиб, нафсониятига тегишга қизиқчининг маънавий ҳукуки борми? Ҳолбуки, сахнанинг юки залворли, унинг қадр-қиммати, мезони, тошу тарозуси, тартиб қоидалари — ҳамма-ҳаммасини қалбан туйиш учун санъаткорга билим, маърифат зарур. Негаки, уларга минг-минглаб томошабин, санъат мухлиблари кўз тикиб, кулоқ тутиб туришибди. Бугун ҳар бир ижодкор ўзига юклатилган вазифа орқали, ким қалами, ким овози, ким сози, ким яратган роллари-ю, ким ихтиролари, янгиликлари билан халқимизнинг маданияти, санъати, адабиёти, илм-фанга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоғи, миллат маънавиятини юксалтиришга хизмат қилмоғи жоиз.

(**"Маънавий ҳаёт"** журналининг 2014 йил, 2-сонидан қисқартирилган ҳолда олинди)



ЗУХРА, ЧЎЛПОН, ТЕМИР ҚОЗИҚ ВА ВЕНЕРА

— Венера сайёрасининг шарқона номини ифода этган "Зухра" сўзининг туб маъноси "ёрқин нур сочи" деганидир. Венера сайёраси қадимги тилимизда олтин қозик, темир қозик, тонг юлдузи, олтин юлдуз, чўлпон, наҳид номлари билан ҳам аталган.

Шуниингдек, "Зухра" сўзи эгизак қиз болаларнинг кейинги туғилганига исм сифатида ҳам ишлатилади.

**Тапуқчиси бор эрди
Зухра отлиғ,
Навода Зухрайи
захра сифатлиғ.**

Лутфийнинг "Гул ва Наврўз" достонидан

СТУДИЯ — биз одатда театр студияси, киностудия, телестудия каби "студия" сўзи иштирокидаги гапларга кўп дуч келамиз ва уларнинг маъносини жуда яхши билаемиз. Бироқ "студия" сўзининг ўзи асли қандай мазмунга эга бўлганини ҳаммамиз ҳам билвермаймиз. "Студия" сўзи тилимизга италян тилидан кириб келган бўлиб, "хафсала", "қунт", "ўқиш-ўрганиш" деган маъноларни англатган.

Ҳужжатли фильмлар студияси.

Овоз ёзиш студияси.

КАПГИР — капгирнинг қуюқ овқатларни қовлаш ва сузишда ишлатиладиган рўзгор буюми эканлигини ҳаммамиз яхши билаемиз. "Капгир" сўзининг илдизи "кафт" сўзига бориб тақалади ва бу сўз "кафтда тутувчи" деган маънони англатади.

Ойтош хола ошни сузиш учун ўчоқ четидаги лаган устида турган капгирни қўлига олди.

Журналдан

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ЖОНКУЯР МАСЛАХАТЧИ

Термиз шаҳридаги "Турон" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Майрам Бойкелдиева фидойилиги ва ташаббускорлиги билан элдошлари орасида обрў-эътибор топган.

— Бугунги кунда бу гўшада уч мингдан зиёдроқ аҳоли истиқомат қилмоқда, — дейди **Майрам опа Бойкелдиева**. — Эътиборли

тадбиркор, хунарманд, ҳуллас, фойдали меҳнат билан банд. Ёшлар ўртасида олиб борилаётган турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари самараси бўлса кераки, ишиси юрган, жиноятга мойил фуқароларни ҳам кам учратасиз.

Замондошларимиз



эътиборли **Замондошларимиз** — Маҳалламизда ўтказиб келинаётган ҳуқуқий, маданий-маърифий мавзулардаги учрашувларнинг самараси катта бўлмоқда, — дейди **"Турон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Уктам Шоймардонов**. — Айниқса, ёшларимизни турли ёт, зарарли оқимлардан сақлаб қолиш, мустаҳкам оила қуриш, ҳар бир хонадонда соғлом турмуш тарзи, тиббий маданиятни шакллантиришда Майрам опанинг беминнат кўмаги қўлмоқда. Ётган йил маҳалламиз аҳли учун ниҳоятда қувончли кечди, десак арзийди. Боиси, Президентимиз фармониға биноан қадимий Термиз шаҳри "Амир Темури" ордени билан мукофотланган бўлса, маҳалламизнинг жонкуяр маслаҳатчиси Майрам Бойкелдиева "Шўхрат" медалга соҳибаси бўлди.

Уйғониш ва яшартиш фасли бўлмиш баҳорнинг бетакрор кунларида бу маҳалла худудида ҳам ободонлаштириш-кўламазорлаштириш ишлари қизгин давом этаётир.

Аҳмаджон РИХСИБОВ, "Оила ва жамият" муҳбири.

СУРАТДА: "Турон" маҳалласининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Майрам Бойкелдиева (ўртада) фаол хотин-қизлар даврасида.

Айниқса, саховатли тадбиркор Ҳайитали Алламуродов ташаббуси ва саъй-ҳаракатлари туфайли қурилган маҳалла гузари ҳам йил сайин обод бўлиб бораётган мазкур худуд кўрқига кўрк қўшиб турибди. Бу бинода бичиш-тикиш цехи, сартарошхона, кийимларни кимёвий тозалаш, озиқ-овқат дўкони, шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини идораси жойлашган.

Муболага эмасу, лекин бу маҳаллада нотинч ёки ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонлар деярли йўқ экан. Қўлидан иш келадиған аҳолининг кўпчилиги

ҚИШУ ЁЗДА ТЎКИНЧИЛИК

Маргилон шаҳрининг Аҳмад Яссавий номли маҳалласига йўлингиз тушса, энг аввало хонадонлардаги ободлик, саришталик эътиборингизни тортади. Маҳалла аҳли томорқа деҳқончилигини яхши йўлга қўйган. Томорқа оила учун даромад, фаровонлик манбаи бўлиш билан бирга хонадонда вояға етаётган ёшларнинг меҳнатсевар, ҳаракатчан ва сергайрат бўлиб улғайишига ҳам туртки бермоқда.

— Томорқадан олинган даромад ризку насибамизнинг мўл-қўллигини, ҳаётимизнинг тўкинлигини таъминлаб беради, — дейди **Аҳмад Яссавий маҳалласи раиси Абдулло Махмудов**. — Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Мўмай даромад олиш тинимсиз меҳнат ва изланишни талаб этади. Маҳалламиздаги ҳар бир хонадон аҳли томорқасидан унумли фойдаланмоқда. Айниқса, Жалолиддин Махсумовнинг бу борадаги тажрибасини бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатсақ арзийди. Жалолиддин ака томорқадан йилга уч марта ҳосил олади, десам айримлар ишонмас, лекин бу рост. Шу билан бирга чорвачиликни ҳам йўлга қўйган.

Маҳалла раиси таъкидлаганидек, Жалолиддин ота деҳқончиликнинг анча ҳадисини олган. Хонадонига кирсангиз, томорқада 15 турдан ортиқ сабзавот маҳсулотлари, мевалар етиштирилаётганига гувоҳ бўла-

сиз. Қиш-қировли кунларда ҳам Жалолиддин ота тиниб-тинимайди. Рўзғорға керакли маҳсулотларнинг деярли бари ховлидан чиқади. Ҳатто қўни-қўшни, ёру биродарлари ҳам уларнинг томорқасида етиштирилаётган маҳсулотлардан бахраманд.

Отахоннинг фарзандлари ҳам меҳнатда чиниққан. Мирсиддиқжон Фаргона шаҳридаги нон цехида ишчи. Исломиддин хунармандчилик билан шуғулланади. Жалолиддин ота кун бўйи шу томорқа билан андармон. "Ерга меҳр берсангиз барака ёғиллаверади", дея, набираларини ҳам меҳнатга ўргатади.

— Ўтаётган йилимизнинг давлатимиз раҳбари томонидан "Кексаларни эъозлаш йили" деб номлангани жуда хайрли иш бўлди-да, — дейди **Жалолиддин ота**. — Бугунги янгиланиш, ўзгаришларни кўриб бошимиз осмонға етаяпти. Ҳалол ишлаб яхши яцайман, элга нафим, фойдам тегсин, деган ниятни кўнглига тукканлар учун, қаранг, ҳамма имкониёт, шароитлар бор. Шундай пайтда оддий томошабин бўлиб ўтириш кимға ярашади?

Жалолиддин отанинг маҳалладошлари ҳам тиниб-тинимайдиган одамлар. Улар ҳам отахонға ўхшаб, ҳар қарич ердан унумли фойдаланишяпти. Қайси бир хонадонға кирманг, яшиллик устидан чиқасиз. Томорқачиликни ривожлантиришда бу меҳнатсевар маҳалла аҳлининг тажрибасини кўпчиликка ўрнак қилиб кўрсатса арзийди.

Мадаминжон СОЛИЖОНОВ,
Фаргона вилояти.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.

Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.

Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.

Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.

Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёт билан).

Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).

Торт ва пишириқлар — 2 ой.

Олий торт безатиш курси — 1 ой.

Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.

Жаҳон таомлари — 2 ой.

Аёллар сартарошлиги — 3 ой.

Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.

Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).

Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.

Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тикиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).

Тирноқ, киприк ўстириш ва дипелляция — 1 ой.

Каштачилик — 3 ой (машинадаги вышивка). Тўқувчилик — 3 ой.

Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корейс тили — 3 ой.

Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.

Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.

Бисердан гуллар, дарахлар ясаш — 2 ой.

Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.

Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёт билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Яшнобод тумани Фаргона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (қундузи)

Табиат — дорихона

АНОРНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ

* Анор камқонликка қарши курашишда жуда самарали ёрдам беради. Беморларға 2 ой мобайнида ҳар кун уч маҳал овқатдан олдин ярим стакандан анор шарбати ичиш тавсия этилади.

* Табиатнинг бу мўъжизакор меваси қон босимини туширишда ҳам энг яхши восита ҳисобланади. Қурилган анор дончаларини туйиб, чой қилиб, дамлаб ичилса, асаб тизимини тинчлантиради ва тиникиб ухлашға ёрдам беради.

* Таркибидаги мой организмда гормонлар мувозанатини фаоллаштириш хусусиятига эға. Гормонлар билан боғлиқ муаммолари бор беморларға анор дончаларини худди писта чаққандек чайнасалар, тезда фойдаси сезилади.

* Анор пўстлогли қайнатмаси ёки анор шарбати оғиз ва томоқ касалликлари, жумладан, ангина, фарингит, гингит ва стоматитдан қолган асоратларни даволашда қўл келади. Бу муолажа оғриқ қолдириш ва инфекцияларни йўқотиш хусусиятига ҳам эға.

* Таркибида қанд миқдори кўп бўлмагани учун диабет билан оғриган беморларға фойдалидир. Овқатдан олдин кунига 4 маҳал олтимчи томчи анор шарбати ичилса, уч кунда самараси сезилади, яъни қондаги қанд моддаси меъёрлашади.

* Радиация ва нурланишға қарши энг яхши восита бўлгани сабабли, кучли радиацияли ҳамда нурланиш хавфи юқори бўлган жойда ишлайдиган ва шундай худудларда яшайдиган кишилар учун энг фойдали озуқа ҳисобланади.

* Жуда ёғли, дағал, хуснбузар ва доғ тушишға мойил бўлган юзларға ундан малҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун пўстлоглини майдалаб, қаймоқ ёки зайтун ёғи билан аралаштириб, музлаткичға қўйилади ва мазкур аралашмадан ҳафтада икки марта юзға суртилади. Бу малҳам терини тозалаб, майнлаштиради. Анор пўстлоглини қуришиб, туйиб ундан теридаги йирингли яра-чақаларни даволашда ҳам фойдалиниш мумкин.

* Меъда қуртидан азият чекаётганларға анор қобиғидан тайёрланган қайнатма тавсия этилади. Бунинг учун анор қобиғини 6 соат давомида совуқ сувға ивитиб, сўнг ярим куюк холға келгунча қайнатиб, тайёр восита бир соат мобайнида оз-оздан ичилади ва 5-6 соат ўтгач, клизма қилинади.

* Анор барги ва мевасида бириктувучи, бириштирувчи моддалар борлиги боис, ундан диарея, колит ва энтероколит хасталиklarини даволашда ҳам фойдаланилади. Бунинг учун катталар қурилган ва эзилган анор қобиғини овқатдан кейин уч чой қошиқда истеъмол қилишлари, болаларға эса шу эзилмани сувға қўшиб, шарбат тарзида ичириш тавсия қилинади.

* Турли яллиғланишлар, жумладан жигар, буйрак, бўғимлар, қулоқ ва кўзлар ҳамда бошқа аъзолар яллиғланишиға анор қобиғининг қайнатмаси фойдали ҳисобланади. Бунинг учун 2 чой қошиқ эзилган анор қобиғини бир стакан сувға қўшиб, 30 дақиқа мобайнида буг ваннасида қайнатиш керак. Тайёр бўлган шарбатдан кунига 2-3 марта овқатдан 30 дақиқа олдин 50 граммдан ичилади.

Умида АДИЗОВА тайёрлади.

ЭЪЛОН!

07.08.2013 йилда байналми-

лал жангчи Карабаев Рустам Ташпулатович номига Тошкент шаҳар ҳокимлиги Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти томонидан берилган йўловчилар транспортини бепоул юриш ҳуқуқини берувчи №003040-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Бу аёлни анчадан бери яхши танирдим. Ҳамиша ҳаётдан норози бўлиб, жонсарақ, асабий бир қиёфада юрарди. Яқинда уни кўриб, ҳайрон қолдим. Ажабо, бутунлай ўзгарибди. Сийратию, суврати жуда хотиржам кўринди менга.

— Умримизнинг ҳар бир дақиқаси ганимат экан, — деб гап бошлади у. — Буни англаб етганимга ҳали кўп бўлмади. Ногиронларни тиббий текширувдан ўтказиш бўлимида бир аёл билан танишдим ҳаётнинг асл маъносини англаб етгандек бўлдим. Энди эса шу кунгача ҳамма нарсадан нолиб, яқинларимнинг дилига озор бериб, умримнинг кўп кунларини беҳуда ўтказиб юборганимга ачинапман. ...Уша куни ногиронларни текширувдан ўтказиш бўлими ҳар қачонги-

нинг устига, ногирон одам ҳар дақиқа, ҳар сония муттасил ўз хасталиги ҳақида ўйлавериш, ич-этини ейди...

Қабул вақти етганида комиссия раиси ҳали келмагани маълум бўлди-ю, гала-говур бошланиб кетди.

— Доим шунақа! Бири келса, бири келмайди.

— Ана энди кечгача чўзишади!

— Бизни бу ерда азоб чекаётганимиз раис учун бир пул, ўзи маза қилиб уйкуни уриб ётгандир-да!

Кеча кўшни туманда тиббий кўрик ўтказиб, ўша ёқда тунаб қолган раис етиб келгунича беҳуда ўтган ярим соатда бунақа гаплардан кўпи бўлди. Ҳамма жигибийрон, ҳамма асабий эди. Шифокорнинг изоҳи ҳеч кимнинг кулоғига кирмади ҳисоб. Бурчакда қимтиниб ўтирган биргина аёл унинг ёнини олди:

— Тупканинг тагидан етиб келиш осонми? Ана келди-ку, сиқилманглар,

Тўқилмаган ҳикоя

гани ҳақида гапириб бердим. Аёл ҳар бир сўзимни эътибор билан тинглади.

— Сизнинг қаерингиз оғрийдими? — деб сўрадим қизиқишим устун келиб.

— Нима десам экан, саратон хасталигига чалинганман...

Ўз дарди ҳақида жуда хотиржамлик билан гапирётган бу аёлга "ялт" этиб қарадим, вужудим жимирлаб кетди.

— Йўғ-е?

— Ҳа, бу ҳам Аллоҳнинг синови, сабр қилиш керак-да...

У менга жилмайиб қаради. Назаримда, табассуми синик ва нурсиз эди. Мен эса тилим тутилгандек лол бўлиб қолгандим, унга бирор таскинбахш сўз айтишга журъатим етмасди. Аҳволимни англади чоғи, гўё мен уни эмас, у мени юпатиши керакдек, ўзи гап бошлади:

— Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз! Аслида ҳаммамиз ҳам бу дунёга меҳмонмиз. Кимнинг қанча вақти, қанча умри борлигини ҳар доим ҳам билвермаймиз.

— Ҳа...

Бир муддат жим қолдик. Шу тобда биринчи марта одамнинг умри ганимат экани ҳақида ўйга толдим. Теграндаги ҳамма-ҳамма нарса — ёруғлик, ранглар, йўллар, овозлар... буларнинг бари ўткинчи. Ана-мана дегунча бир лаҳзада йўқ бўлиб кетиши мумкин. Қизиқ, ҳаёти якунига етаётганини англаб турганлар нима ҳақда ўйларкин? Қандай яшагани, нимага улгурмагани, ортида қолаётганлари ҳақидадир, балки?

— Болаларингиз борми? — деб сўрадим ундан.

— Худога шукур, тўртта қизим бор.

— Ўх-хў, бой экансиз. Узатдингизми?

— Йўқ ҳали, улгурмайман шекилли... Кимёвий муолажани ҳам олдим. Фойдаси бўлмади. Энди қизларимни дадасининг ўзи бир амаллаб узатар... Бу ёғи Аллоҳга таваққал! — деди у маҳзун оҳангда.

Унинг мана шу гапи барча саволларимга жавоб бўлди. Шундан сўнг, умр аталмиш бебақолик йўлида шунчаки ёнма-ён бораётган икки йўловчи сифатида гурунглаша бошладик. Биз аёллар ҳар қандай вазиятда, қисқагина вақт ичида ҳам бутун умримизни гапириб бера оламиз. Не ажабки, суҳбатдошим шу аснода орзулари ҳақда гап очиб қолди.

— Раққоса бўлсам, мен учун энг катта бахт — шу, деб ўйлардим. Ундагилар кўйишмади. Майли-да. Ўқитувчилик ҳам ижодий иш, яйраб ишладим. Умуман, одамнинг бахт ҳақидаги тушунчаси йиллар давомида ўзгариб турар экан. Токи ҳаётсан, ҳар қандай вазиятда бахтни ҳис қилиш қобилияти сен билан яшайверади. Ҳозир бу туйғу... менда бутунлай бошқача, — дея, у кўзларини хиёл сузиб олди: — Кечагина кимёвий муолажа олдим. Оғриқларим така-тақ тўхтади. Шундай бахтлиман-ки!!!

...Ишларимиз битгач, тарқалдик. Мен катта йўл ёқасида, тўрт мучам соғ, бир маромда юриб кетардим. Ҳеч қаерим оғримас, аммо негадир жуда йиғлагим келарди. Эҳтимол, ўша лаҳзада умримнинг жуда кўп вақтини беҳуда жонсарақлик билан ўтказиб юборганимни англагандирман. Балки, ҳаётимда бориға шукур қилиб, топганларимни қадрлаб яшашим кераклигини тушунгандирман... Нима бўлганда ҳам ўша аёл билан учрашув менинг дунёқарашимда туб бурилиш ясади: ҳаётимнинг, яқинларим ва қадрдонларимнинг қадрига етишни ўргандим...

Гулчехра АСРОНОВА.

Жараён

БАҲОРНИНГ ҚУВВАТБАХШ ТАОМЛАРИ

Эрта баҳорда одамлар ўзини бироз ҳолсиз ҳис этиб, дармондориларга муҳтож бўлиб қолади. Кўпни кўрган отахон ва онахонлар бу пайтни "иликузилди" даври деб аташади. Шундай маҳалда кўклам таомлари танага роҳат бағишлайди.

Равочли салат

Равочдан салат тайёрлаш учун унинг новдаларини яхшилаб ювиб, пўсти шилинади. Сўнг 1-1,5 см. қатли талиқда, тўртбурчак шаклида тўғралади ва бир боғ кўк пиёз, икки боғ редиска, ярим боғ укроп майдалаб тўғраб кўшилади. Ушбу масаллиқларни бир идишга солиб, таъбга кўра туз, бир пиёла қаймоқ қўшиб аралаштирилади.

Танага қувват бахш этувчи бундай салат болажонларга жуда ёқадди, уларнинг иштаҳасини очиб, организмни керакли витаминлар



билан таъминлайди. Эмизикли аёллар истеъмол қилса, сутини кўпайтиради.

Исмалоқли салат

Бунинг учун 200 грамм янги терилган исмалоқ, 2-3 дона бодринг, 1-2 дона помидор, 2 дона қайнатиб пиширилган тухум, 1 пиёла қаймоқ, 1 боғ кўк пиёз, укроп, кашнич, таъбга кўра туз керак бўлади.

Исмалоқ, бодринг, помидор, кўк пиёз, укроп, кашнич, тухумни тўғраб, туз ва қаймоқ билан аралаштирилади. Ликопчаларга солиб, усти безатилиб, дастурхонга тортилади.

Бундай салат иштаҳани очади, овқат ҳазмини осонлаштиради, камқонлик ва мадоросликни бартараф этади.

Кўкатли чучвара

Кўкатли чучвара тайёрлаш учун яллиз, исмалоқ, жағ-жағ, қоқйўт, йўнғичка, отқулоқ ва бошқа кўкатлар тенг миқдорда олинадди ва майда қилиб чопиб, думба ёки жизза, кўк пиёз, таъбга қараб туз солиб, қийма тайёрланади.



Одатдагидай чучвара учун хамир қориб, ёйиб кесилгач, қийма билан тугилади. Сўнг чучваралар туз солинган сувда қайнатиб, пиширилади. Тайёр бўлган чучварани лаганларга солгач, устидан қаймоқ қуйиб, дастурхонга тортилади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.



дан гавжум эди. Кимдир навбатдаги тиббий кўриқдан ўтишга келган бўлса, бошқа биров ногиронлик варақасини олиш учун биринчи марта бу ерга муурожаат қиляпти. Навбат кутиб ўтирган турли ёш, мавқе ва кўринишдаги одамларни бир нарса руҳан бирлаштириб туради — уларнинг барчаси дардманд... Шунинг учун бўлса керак, йўлак бўйлаб қулоққа чалинувчи сўхбатлар ҳам деярли бир хил кечади:

— Сизнинг касалингиз нима?

— Битта буйрагим йўқ. Сизда-чи?

— Қанд касалим бор. Бу йил бод ҳам қўшилди. Ух-х...

— Сабр қилинг. Ҳув анавинақасидан асрасин. Қаранг, ёшгина йигит автохалокатдан кейин нима бўпти...

Эрталаб бир-икки соат шу тахлит хотиржамлик ҳукм сурса-да, кейин орага навбатсиз суқилишлар туфайли асабий хитоблар янграйдди.

— Шу етмай турувди ўзи! Бу ерга соғ одам келмайди ахир, ҳаммамнинг дарди ўзига етарли!

Тўғри гап. Лекин бир-иккита "соғ"лар ҳам топилади. Масалан — мен.

Ҳар сафар тиббий текширув куни беморимни аяб, уйда қолдириб, ўзим эрталаб келиб, навбатга тураман, шифокор қабулига вақтимиз яқинлашгунича кутиб ўтираман. Беморимни — турмуш ўртоғим ва болаларимнинг отасини аямасам ҳам бўлмайди-да, хасталиги туфайли анча асаблари таранглашиб, тажанг бўлиб қолган. Бу ерда эса бошқаларнинг ҳам сабр касаси доим тўлиб-тошиб туради. Бу-

ҳозир бир пасда ишимиз битади.

Кимдир: "Бир пасдамиш!" деб кўйди-ю, шу билан издиҳомнинг анча ҳовури босилди. Биринчи бемор ичкарига кириб кетди. Кейин иккинчи, учинчиси... Шу орада бир беморнинг касали хуруж қилиб қолди. Бир эркак сурбетлик билан: "Қани, йўл беринглар-чи, шу ерда ишлайман", деганча ичкарига кириб кетдию, ярим соатдан сўнг зўрга чиқди. Кутиб ўтирганлар эса норозиликларини яширишмас, гала-говур авжига чиққанди. Шунда халиги аёл: "Ҳадеб сиқилаверманглар, ҳаммамиз кирамиз, ишимиз битади", дея шовқинни босмоқчи бўлди. Бошига рўмолни маҳкам тангиган, ўрта ёш, истарали бу аёлнинг хотиржамлигига кимларнингдир фаши келди. Аммо менга унинг вазмин ҳолати таскин берарди. Ёнидаги жой бўшагач, секин бориб ўтирдим. Нимагадир у билан жудаям гаплашгим келди.

— Сиз ҳам менга ўхшаб беморингизни уйда қолдиргансиз шекилли-а, бемалолсиз?

У менга жилмайиб қаради.

— Йўқ, ўзим касалман.

— И-е, узр, шунақами? Сира хаста одамга ўхшамайсиз-ку! Мен бўлсам сизнинг хотиржамлигингизни кўриб...

— Шошилиб, қаерга ҳам борардик? — дея аёл бошини аста деворга суяб, сокин нигоҳини шифтга қадади. — Насиб қилган вақтида кирамиз-да. Сизда ким бемор?

Турмуш ўртоғимнинг анчадан бери бетоблиги, ногирон бўлиб қол-

ЁН ҚЎШНИ ЖОН ҚЎШНИ ДЕГАНДИК

Девор-дармиён ҳамсоямиз Мастура хола билан жуда ахил, иноқ эдик. Ҳатто ота-оналаримиз ҳовлиларимиз ўртасидан кириб-чиқиш учун кичкинагина эшикча ҳам очиб қўйишганди. Болалари билан бирга катта бўлдик. Қўшнимиз Зиёда опамни жиянига келин қилмоқчи бўлаётганини, куёв бўлмиш ақлли-хушли йигит эканини айтганида, бувим унга ишониб, розилик бериб юборди. Афсуски, поччам холамыз мақтагандек эмас экан. Ичкиликка муккасидан кетган, ахлоқи бузуқ эри билан беш ойгина яшаб, ҳомиладор ҳолида опам уйга қайтиб келди. Уртага маҳалла-қўй аралашиб, уларни яраштиришга уринишди. Кўпни кўрган отахон ва онахонлар биргалашиб, икки-уч марта қудамизниқига боришди, аммо ҳар сафар поччамни оёғида турулмайдиган даражада маст ҳолда учратиб, ҳаммининг хафсаласи пир бўлди...

Яқинда жияним Лобархон ўн уч ёшга киради. Айрим пайтлар опам қизини бағрига босиб йиғлаб ўтирганини кўрсам, эзилиб кетаман. "Қизим ота меҳрига зор бўлиб ўсапти, дадаси борларга хаваси келадиган", дейди менга. Ўша воқеалардан кейин жиянининг феълини билди туриб опамнинг умрини увол қилган Мастура хола билан борди-келди узилди.

Зиёда опам **38 ёшда**. Маълумоти ўрта махсус. Пазанд, камтар ёл. Уйли-жойли, касб-кори тайин киши чиқса, узатмоқчимиз.

ОЛИЯ,
Қашқадарё вилояти.

**МЕҲРТАЛАБ
ОДАММАН**

Тақдир экан, қутилмаганда сал кам ўттиз йилча бирга яшаб келган аёлим қазо қилиб, дунёга сиғмай қолдим. Олти йилдан бери ёлғиз яшаб келаяпман. Шу орада қариндошлар бир нечта аёлни топишиб, уйлантирмоқчи бўлишди. Лекин негадир ҳар хил сабаблар туфайли муросамиз келишмади. Ўрганиб қолганим учунми, ким билан гаплашсам, нуқул раҳматли аёлимга хос бўлган фазилатларни излайман. Энди билсам, бу нотўғри экан. Чунки бу дунёда ҳеч ким бошқа бир одамнинг ўрнини босолмайди. Шу боис сизларга мурожаат этишга қарор қилдим. Ёшим **52 да**. Маълумотим олий. Уч хонали уйим бор. Нуфузли бир ташкилотда ишлайман. Менга суянчиқ ва дилдош бўла оладиган, фарзандлари ташвишидан қутилган аёл бўлса хабар қилсангизлар.

ЮНУС,
Сурхондарё вилояти,
Бойсун тумани.

“Бахтли бўлинг” саҳифаси**СОВЧИЛАРНИ АДАШЯПТИ**

Катта қизимни 19 ёшида турмушга узатган эдик, кўз тегмасин, ҳозир тинч-тотув яшаяпти. Иккинчисининг бахти очилмаётгани учун охири газетга ёзишга мажбур бўлдим. Нима қилай, бошида бир неча жойдан совчилар келди. Бири қизимга, бошқаси отасига, яна бирирови опасига ёқмади. Хуллас, баҳона кўпу лекин қисмат пешонасига кимнидир ёзмаган бўлса қийин экан.

Бу ёғи ўзбекчилик, ўтган ўн йил орасида турмушга чиқмаётган қизим Мохирўй ҳақида нималар дейишмади. Чидадик. Эл оғзига элак тутиб бўлармиди. Ҳозир ҳам баъзан совчилар сўраб келишадди. Унгача қайсидир қўшнимиз ёки бизларни танийдиганлардан суриштиришди шекилли, кейин жим бўлиб кетишадди. Майли, бу ҳам Аллоҳнинг синови. Мохирўй **33 ёшга** кирди. Ишончим комилки, у яхши бир оиланинг саранжом бекаси бўлишга қодир. Қирқ ёшгача бўлган, тайинлироқ касби бор, уйли-жойли йигит чиқса, куёв қилардик. Қайси вилоятдан эканлигининг аҳамияти йўқ.

НУРПОШША опа,
Бухоро вилояти.

ЎГИЛОЙНИНГ БАХТИ КУЛСА...

Бундан уч йил аввал тўйим куни дугонам Ўғилой менга хавас билан қараганини сезиб, унга чин дилдан бахт тилаганим. Аммо негадир икки опасини узатишганидан кейин келаётган совчиларнинг кети узилди. Унинг бахти очилмаётганидан ота-онаси ҳам хавотирда. Мен икки фарзандлик бўлдим. Шукур, оилам тинч. Дугонамга ҳам шундай фаровон турмуш насиб этсайди, деган мақсадда сизларга мурожаат қилаяпман. Ўғилой **34 ёшда**. Маълумоти ўрта махсус. Қўшимча қилсаларда ўқиб, ҳунар ўрганган. Унга муносиб йигитлар учраса, илтмос, тахририятга кўнғирок қилишсин.

ҲУРНИСО,
Навий вилояти.

“ФАРЗАНДЛАРДАН ТИНДИМ”

- Ассалому алайкум, мумкинми?
- **Марҳамат, кираверинг.**

Тахририятга келган истараси иссиқ бу киши бизга жуда таниш кўринди.

— Бундан бир йил аввал сизларга мурожаат қилиб, ҳужжатларимда камчилик бўлгани учун топшира олмай, қайтиб кетганим, — дея гап бошлади у.

— **Ҳа, энди, сизни эсладик. Янглишмасак, пойтахтимизнинг Чилонзор туманида яшайман, дегандингиз, тўғрими?**

— Топдингиз. Ўша кунлари маълумотнома олиш учун маҳалла фуқаролари йиғинига чиқишга вақтим бўлмади қолди. Кейин эса ўғлимни уйлантириш ҳаракатига тушиб кетдик. Раҳматлик онаси тирик бўлганида бу ишларга ўзи бош бўларди. Тўйни ўтказишимизга амма-холалари баҳоли қудрат қарашиди. Мана, куни кеча еттинчи набирам дунёга келди. Уйланиш ниятида эканимни эшитса, келиним қандай тушунаркин, деб истихоло қилиб юргандим. Ўғлим яқинда ўзи гап очиб: “Дада, сиз ҳам қийналиб кетдингиз ёлғизликдан, бирор номзод бўлса, биз ҳаммамиз розимиз”, деди. Яқинда **53 ёшга** кирдим. Эллик ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган, фарзандларидан тинган ёки битта қизи бор аёл учраса, ҳаётимни боғлаш ниятидаман.

ЗОКИР ака,
Тошкент шаҳри.

**КУТИЛМАГАН
СЕВГИ ҚУЙДИРДИ**

Наргиза билан йигирма йилдан ортиқ бирга яшаб, тўрт нафар фарзанд кўрдик. Лекин бахтиёр кунларимиз жуда кам бўлган. Бир-биримизни сира тушунмасдик, арзиманган нарсадан катта можаролар чиқиб кетарди.

Тўнғичимиз йигирма ёшга кирганида, Наргиза осмондан тушгандек, ҳе йўқ, бе йўқ, мен билан ажрашмоқчи эканлигини айтиб қолди. Ахил-иноқ яшамаётган бўлсак-да, шунча фарзанд билан ажрашиш мен учун ақл бовар қилмас иш эди. Энг даҳшатлиси, хотинимнинг: “Мен бир одамни севиб қолдим”, деган гапини эшитганимдаги ҳолатимни сўз билан тасвишлаб беролмайман. Билишимча, у анча вақтдан бери ажрашиш учун баҳона излаб юрган экан. “Фарзандларни тенг бўламыз”, деди-ю, бир ўғил, бир қизни менга қолдириб кетди. Ўша маҳаллари мунчоқдек болажонларимнинг она меҳрига қанчалар зор бўлганини эсласам, ҳалигача ўзимга келолмайман.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмади. Наргизага уйланган жиши уни аро йўлда хор қилиб ташлаб кетганини эшитдим. Онаси билан кетган ўғлим ёнимга қайтиб келди. Мана, шундай кўргуликларни бошдан кечирганимга ҳам ўн йилдан ошди. Ўтган муддат ичида қизимни узатдим, келин олдим. Ака-укаларим, ошнарларим: “Матқарим, энди ўзингни ҳам ўйлагин, ёлғизлик ярашмайди, бу ахволда қийналиб қолсан”, дейишди. Яқинда ўзаро маслаҳатлашиб, бу ҳақда фарзандларимга ҳам гап очишибди. Улар: “Розимиз, нега қаршилиқ қиларканмиз, дадамиз бизларни шундай кунларга етказгунича кўнглимизга қаради, қанийди, хонадонимиз янада файзли бўларди”, дейишибди. Ёшим **57 да**. Самимий, оилапарвар, меҳрибон бир аёл бўлса оиламизга хайр-барока кирармиди.

МАТҚАРИМ ака,
Хоразм вилояти.

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла фуқаролар йиғинидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади. «Оила» бўлимида 60 ёшгача бўлган фуқароларга хизмат кўрсатилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(8-371)234-25-46

**АЛАМЛИ
ЯХШИЛИК**

Розл Ван Мюден исмли саёҳатчи-фотограф Африка ёввойи табиятини тасвирга тушириб юрар экан, галати воқеанинг устидан чиқиб қолди. Кўлнинг лойли қирғоғида подасидан айрилган бир зебра боласи ботқоққа фарқ бўлаётган эди. Розлнинг ҳар қанча раҳми келмасин, унга кўмакка бориш имкони йўқ эди. Ёрдамга боргани билан уни суғуриб олишга кучи етмас ва аксинча, ўзи ҳам зебрага қўшилиб фарқ бўлиши мумкин.



Бир пайт саёҳатчининг хаёлига ҳам келмаган ҳодиса юз берди. Зебрачанинг ноласини эшитган улкан бир қаркидон унга ёрдамга шошилди. У ўзининг баҳайбат яқашохи билан ботқоқни ёриб, зебра боласини даст кўтариб, лойдан чиқариб олди ва қуруқликка итқиди. Розл эса хамиша шай фотоаппаратини ишга солиб, бу вазиятнинг ҳар лаҳзасини тасвирга олиб турди.

Бир қарашда одамни хурсанд қиладиган ушбу воқеа барибир бахтли яқун топмади. Қаркидон кучли шохи билан силтаб кўтаргани учун зебра боласининг умуртқа суякларини синиб кетган экан. Шу боис у кўп ўтмай жон таслим қилди.



Воқеани эшитган одамлар фотогафни совуққонликда айблашди. Ҳеч бўлмаса, ботқоқдан қутилган ярадор зебрага биринчи ёрдам кўрсатганида, жонивор балки тирик қолармиди, дейишди. Бироқ, биологларнинг фикрича, зебра боласи барибир ҳалок бўларди. Чунки, унинг подаси жуда узоқларга кетиб бўлган ва бу хаста жонивор Африканиннг ёввойи табиятида ёлғиз ўзи яшаб, омон қолмасди.

Эҳтимол, Розлнинг инсон сифатида ҳамон виждони қийналаётгандир. Гарчи пушаймондан фойда бўлмаса-да, гарчи қаркидон зебра боласининг умуртқасини синдириб қўйган бўлса-да, бу баҳайбат маҳлуқнинг ҳаракатида яхши ният зоҳир эди. Муҳими, ана шу ҳақиқатни англаш.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

БОЗОРДАГИ БОЛАЛАР БЕГОНА ЭМАС

Ойна

Бозорга кираётсам, қўлида бир даста кўкат ушлаб, харидор чорлаётган 6-7 ёшлардаги қизчага кўзим тушди. Унинг мунчоқдек кўзларига, февралнинг кечки соғуғида билинар-билимас титраб турган бармоқчаларига разм соламан. "Кўкат ола кетинг, кеннайи, — дейди мўлтираб. — Арзонга бераман, олин". Унинг зорлаишлари мен билан ёнма-ён бозорга кириб келаётган эркак ва аёлларни ҳам бефарқ қолдирмади. Совқотган норасиданинг мушкулени осон қилиш учун кўкатларини бирин-кетин сотиб олди. Бир маҳал қўли бўшаган қизалоқ чеккароқда турган аёлнинг ёнига чопиб борди-да, пулларни узатди. Ҳалиги хотин пешбанди чўнтагига пулларни сиқимлаб соларкан, қизалоқ қалтирай-қалтирай: "Совқотиб қолдим, ахир, энди кетамизми?", деди ялингандек бўлиб. Одамлар издиҳомда бозор ичкарасига қараб юрарканман: "Шошма, савдо энди қизияпти. Манавиниям ол, қара, одамлар сенга раҳми келганидан сотиб олишяпти", деган дағал товуш қулгоимга чалинди...

Бозорлик қилиб чиққанимда, ўша таниш қизалоқ ҳамон жажжи кўчаларида кўкатларни маҳкам тутганча: "Кеп қолинг, укроп, кашничларни арзонга бераман, охиргиси", дея ўтган-кетганлари яна ўзи томон чакирарди. Шу пайт бозорга кириб бораётган кексароқ бир киши беҳосдан унга туртини кетди. Шунда қизчанинг юзидagi ялинчоқ, масъум ифода бирданга ўзгарди: "Хе, башаранг курсин сени, кўзингга қараб юрсанг ўласанми, сассик чол", деди оғзидан тупук сачратиб. Атрофдагилар "ялт"

этиб унга қарашди. Кимдир унинг бу гапини ошқора рағбатлантирди. Бошқа бировнинг кўзида ачинош ва ҳайрат зухурланди. "Ҳали сут тиши тўқилмаган болани бозорга бошлаб келиб, савдога ўтқазиб қўйишнинг оқибати, мана шу-да, ҳозирдан бети қотган бу қизнинг тарбияси эртага қандай бўлади?", деди бир онахон афсус билан бош чайқаб...



Бундай ҳолатларни кейинги пайтларда нафақат пойтахтимиз, балки республикамиздаги бошқа бозорларда ҳам кузатяпмиз. Уларнинг оломон орасида туртиниб юришларига, бозор лаҳжасида сўзлашларига, бақириб-чакириб муомала қилишларига кўзимиз атамаси тез-тез қулқоқ чалинарди, кўнгилга "зирқ-зирқ" оғриқ берарди. Бугун эса юзингда кўзинг борми демай, катталарга "сачраб" турган, ўзининг болагини рўқач қилиб, молини ўтқазётган зумрашаларни "бозор боласи" деб атаймизми энди? Афсуски, уларнинг тафаккури бозордаги майда-чуйда савдо-сотикнинг тор

доирасида шаклланияпти.

Нон савдоси билан шуғулланадиган бир аёлни биламан. Ўн яшар ўғилчаси ҳамиша у билан бирга юрарди. "Бола бозорда қийналиб қолмайди-ми, унинг ўқиши, дарслари нима бўлади?", деб сўрасам, "Ёнимда, кўз олдимда турсин, шуниси тинч", деб жавоб берарди. Яқинда ўша жувонни кўриб қолдим. "Сиз тўғри айтган экансиз, бозорда юрган ўғлимнинг муомаласи бирам кўрс, ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган бўлиб қолганди. Бир ойча аввал дадаси билан маслаҳатлашиб, уни маҳалламиздаги спорт тўғарагига бердим. Яқинда клубида ўтган мусобақада голиб бўлди. Ойи, бу дунёда бозордан яхшироқ жойлар ҳам бор экан-ку, дейди".

Эслайлик, бундан уч-тўрт йил муқаддам мактаб ўқувчиларининг кўпчилиги ҳатто дарсларини қолдириб, бозорда "тирикчилик" қилаётганига тез-тез гувоҳ бўлардик. "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" тамойилига асосан вояга етмаган болалар билан ишлаш борасида тизимли ишлар йўлга қўйилгач, вазият анча ўзгарди.

Лекин барибир бозорларда ҳалиям оз бўлса-да, болаларнинг савдо ишига тортилаётгани, уларнинг маънавий дунёси, таълим-тарбияси мени қаттиқ ўйлантиради. Хўш, айб энди-гина тафаккури, ақл-шуури шаклланаётган мурғак қалбли боладаими ёки уни "тирикчилик" никоби остида пул топишга мажбурлаётган ота-оналардами? Албатта, бу борада биз катталар кўпроқ жавобгармиз. Негаки, ана шу митти болалар бегона эмас — менинг, сизнинг, шу жамиятнинг фарзанди. Қолаверса, маҳалла-қўй, жамоатчилик ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳам бепарво, томошабин бўлиб қараб турмаслиги керак.

Ҳамроҳон МУСУРМОНОВА,
"Оила ва жамият" муҳбири.

Тадбир

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан пойтахтимизнинг Юнусобод тумани ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Маҳалла" хайрия фонди ва бошқа ҳамкор ташкилотлар кўмағида "Аёл — азиз ва муқаддасдир" деб номланган маънавий-маданий тадбир ўтказилди.

Байрам кечасида аёлнинг оила ва жамиятдаги ўрни, фарзандлар камолини таъминлаш, айниқса, миллий кадриятларни ёш авлод қалбига янада кенгрок сингдириш борасида фаол ва жонқуяр хотин-қизлар томонидан олиб борилаётган хайрли ишлар эътироф этилди.

Ушбу халқаро байрам муносабати билан туман миқёсида ўзларининг ташаббускорлиги ва намунали саъй-ҳаракатлари билан обрў қозонган хотин-қизларга эсдалик совғалари топширилди. Шундан сўнг шоир ва ижодкорлар ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандаларининг бадиий чиқишлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Санобар ФАХРИДДИНОВА,
журналист.

ЭЪЛОН!

Тошкент давлат техника университети томонидан 2011 йилда Аҳмедов Шерзод Очил ўғли номига берилган №В 569030-рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ННТ: ЖАРАЁН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Фаслият

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15 январда қабул қилинган "Нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарори билан нодавлат нотижорат ташкилотларини тугатиш тартиби тўғрисида янги Низом тасдиқланди. 4 бўлим, 45 банддан иборат бўлган мазкур Низомда нодавлат нотижорат ташкилотларини, уларнинг юридик шахс ҳисобланган алоҳида бўлимларини, халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини ихтиёрий ҳамда мажбурий тугатиш, шунингдек,

ННТларнинг юридик шахс ҳисобланмаган алоҳида бўлимларини ёпиш тартиби аниқ қилиб белгилаб берилди.

Низомга кўра, ННТни ихтиёрий тугатиш унинг юқори органи қарорига биноан, мажбурий тугатиш эса — суд қарори асосида амалги оширилади.

Жамоат фондларини ихтиёрий тугатиш манфаатдор шахснинг аризаси асосида, суднинг қарорига биноан, мазкур Низомда кўрсатилган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг қабул қилиниши билан амалиётда дуч келинадиган айрим муаммоларга чек қўйилди. Жумладан, тугатиш комиссияси таркиби, тугатиш комиссияси-

нинг ваколатлари ва ваколатларнинг тўхтатилиш тартиби, бундан ташқари рўйхатдан ўтказувчи органининг тугатиш тартибда амалга оширадиган вазибалари ҳамда уларнинг муддатлари аниқ қилиб белгилаб қўйилди. Мисол учун ННТни тугатиш комиссияси таркибига, қоидага кўра, тегишли юридик, иқтисодий маълумотга ёки бухгалтерия соҳасида амалий тажрибага эга бўлган шахслар, шунингдек, тугатиш комиссияси таркибига тегишли давлат органлари розилиги билан уларнинг мутахассислари ҳам киритилиши мумкинлиги баён этилган.

Тугатиш комиссияси таркиби рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишилган вақтдан бошлаб, ННТни бош-

қариш бўйича барча ваколатлар унга ўтади. ННТнинг муассислари (қатнашчилари) ва (ёки) раҳбар органи аъзолари уч иш куни мобайнида ННТ фаолияти билан боғлиқ барча ҳужжатларни, шунингдек, ННТнинг муҳр ва штамплари ҳамда бошқа мол-мулкни рўйхат бўйича тугатиш комиссиясига топширишлари шарт.

Тугатиш комиссияси тугатиш ишларини амалга оширади ва ННТнинг кредиторлари, муассислари (қатнашчилари), раҳбар органи аъзолари ёки бошқа ходимлари манфаатларига риоя этилишини таъминлайди, ННТ қарздор сифатида иштирок этадиган ижро ҳужжатларининг ижросини тугатиш тартиботи доирасида таъ-

минлайди, ишончномасиз ННТ номидан вакиллик қилади, ННТнинг молиявий, тўлов ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатларини имзолайди, ННТнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаради, мазкур Низомда ўз ваколатига киритилган масалаларни ҳал қилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу низом ННТларни тугатиш жараёнининг аниқ механизмини белгилаб берди. Натижада тугатиш жараёнидаги турли хил амалиётларга чек қўйилиб, бир хиллаштирилди.


М.ТУРДИЕВА,
С.МУҲАМЕТКУЛОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси маъсул ходимлари.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон Мусурмонова
Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ
Мусахҳилар — Саидгани САЙДАЛИМОВ,
Камола АДАШБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 336. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 7791. Баҳоси келишилган нархда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 4 5